

[illegible]

1  
2022

**FALSAFA va HUQUQ  
ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО  
PHILOSOPHY and LAW**

# ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал  
2022/1 (№21)

*Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон қадрини учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буюн ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.*

*Албатта, инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадрини деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирishi, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашини назарда тутамиз.*

*Инсон қадрини деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишини, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришини тушунашимиз.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев**

Журналимизнинг мазкур сонида Ўзбекистон миллий университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ва Ўзбекистон фойласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт тамойилларини амалга ошириш жараёнининг долзарб масалалари” мавзuida 2022 йил 10 июнда ташкил этилган илмий-амалий анжуман материаллари ҳам чоп этилмоқда.

## Таҳрир хайъати:

**М.Н.Абдуллаева -**

*ф.ф.д., профессор*

**Б.Т.Тўйчиев -**

*ф.ф.д., профессор*

**Ж.С.Рамагов -**

*ф.ф.д., профессор*

**Г.Т.Махмудова -**

*ф.ф.д., профессор*

**В.Р.Топилдиев -**

*ю.ф.д., профессор*

**Қ.Н.Назаров -**

*ф.ф.д., профессор*

**Р.Ж.Рўзиев -**

*ю.ф.д., профессор*

**А.Ў.Ўтамурадов -**

*ф.ф.н., профессор*

**Ў.Ғ.Ғилавов -**

*ф.ф.д., DSc*

## Бош муҳаррир:

**А.Г.Муминов -**

*с.ф.д., профессор*

Му а с с и с: Мирзо Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
Университети

Таҳририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,  
Университет кўч., 4.

<https://nuu.uz/falsafa-va-huquq-jurnali/>

E-mail: [falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz](mailto:falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz)

**ISSN 2181-7294**

**Босишга 20.07.2022 да берилди**

*Бичими 60x84 Offset қозоғи. ЎЗМУ босмахонасида  
ризографда босилди. “Times” гарнитураси. Ҳажми 23,75  
б.т. Нашириёт ҳисоб табағи 30 б.т. Адади 50 нусха.  
Буюртма № 177*

Журнални нашрга тайёрловчилар  
**Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Соқиев**



|                                                 |                                                                                                    |     |
|-------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Каланова С. М.</b>                           | <i>Жамиятда авлодлар алмашинувининг социологик моҳияти</i>                                         | 106 |
| <b>Сентов А.П.,</b><br><b>Саидахматова М.К.</b> | <i>Развитие ИКТ в Узбекистане как вектор развития теоретической мысли</i>                          | 110 |
| <b>Мамарасулов У. У.</b>                        | <i>Sport qoidalarining estetika me'yorlari asosidagi tavsifi</i>                                   | 114 |
| <b>Султонова Н.Э.</b>                           | <i>Ижтимоий ҳаётда фарзанд учун ота-она ибрати, меҳр-муҳаббати ва жамиятда тутган ўрни</i>         | 116 |
| <b>Абдиев Ғ.Э.</b>                              | <i>Ёшлар сиёсий онгини ривожлантиришида миллий қадриятларнинг ўрни</i>                             | 123 |
| <b>Уринбоев Д.Т.</b>                            | <i>Ёшларда ҳуқуқий менталитетни шакллантиришининг фалсафий масалалари</i>                          | 127 |
| <b>Тоғасев Ш.Х.</b>                             | <i>Миллий ғоя ва мафқуранинг фалсафий-онтологик мазмуни</i>                                        | 130 |
| <b>Қалқонов Э.Т.</b>                            | <i>Янгиланаётган Ўзбекистонда гендер тенгликни ривожлантиришининг ижтимоий фалсафий масалалари</i> | 134 |
| <b>Бобоқулов Ш.О.</b>                           | <i>Ер-ҳуқуқий жавобгарликнинг мустақил тури сифатида</i>                                           | 138 |
| <b>Ғаффарова Ғ.</b>                             | <i>Фанлараро ёндашув йўналишлари: фалсафий таҳлил</i>                                              | 141 |
| <b>Иззетова Э.М.</b>                            | <i>Интеграция научных дисциплин в контексте трансдисциплинарной методологии</i>                    | 145 |
| <b>Ботирова Х.Э.</b>                            | <i>Мустақиллик даврида аграр соҳа мутахассислари учун моддий-маънавий шароитларни яратиши</i>      | 151 |
| <b>Юсувалдиева Р.Ю.</b>                         | <i>Умумҳуқуқий тамойиллар – ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида</i>                     | 155 |
| <b>Равшанов А.С.</b>                            | <i>Қишлоқ ва сув ҳўжалиги учун етук кадрлар тайёрлаш сиёсатининг концептуал асослари</i>           | 160 |
| <b>Қандов Б.М.</b>                              | <i>Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишида ҳуқуқий таълимнинг ўрни</i>                    | 164 |
| <b>Қўйилев Т.,</b><br><b>Рахмонбердиева Н.</b>  | <i>Минтақа хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон ташиқи сиёсатининг бош мезонидир</i>                 | 168 |
| <b>Ташметов Т.Х.</b>                            | <i>Миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришининг илмий-фалсафий жиҳатлари</i>                           | 172 |
| <b>Исмайлов А.З.</b>                            | <i>Фуқаролик жамиятида ҳуқуқий онгнинг фалсафий онтологик асослари</i>                             | 176 |
| <b>Адамбаев У.Х.</b>                            | <i>Аргументлаш ва ишонч-этиқоднинг шаклланиши</i>                                                  | 180 |
| <b>Махмудов М.,</b><br><b>Бердиев А.</b>        | <i>Маънавиятнинг ижтимоий омилларини оптималлаштириш – давр талаби</i>                             | 184 |
| <b>Ражабов Ж.</b>                               | <i>Жамият модернизациялашуви шароитида сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўрни</i>                  | 187 |
| <b>Халилов Ж.,</b><br><b>Ахмедов А.</b>         | <i>Соглом авлод камолоти – ислохотлар мақсади</i>                                                  | 190 |
| <b>Маматқулов Э.</b>                            | <i>Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш</i>                              | 193 |

## МИЛЛИЙ ГОЯИ ЁШЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ташметов Т.Х. –  
ЧДПИ ўқитувчиси

Инсон камолотини фикрсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, жамият тарихини ҳам гоё ва мафкураларсиз тушунтириб бўлмайди. Гоё, хусусан, унинг жамият ва миллат равақи учун хизмат қилувчи олий шакли бўлган миллий гоё бирданига – қисқа муддатда пайдо бўладиган ҳодиса эмас. Аслида, гоё бирданига пайдо бўлгандек кўринган гоё замирида ҳам онгнинг кўп асрлик тараққиёти ётади. Шу жиҳатдан қаралганда, миллий гоё узоқ жараёнларнинг ҳосиласи бўлиб, ўзида халқнинг тарихи, дунёқараши, мақсад ва интилишлари, маънавиятини мужассам ётади.

Миллий гоё ва мафкура ҳар бир фуқаро онги ва қалбига чуқур таъсир қилиб, унинг оила, маҳалла, жамият, халқ, давлат олдигаги бурч ва масъулияти қай даражада адо этилаётганини назорат қилиб туради. Миллий гоё узоқ йиллик миллий тафаккур тарзининг маҳсули ва давр талаби билан такомиллашиб боровчи узлуксиз жараёндир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда ватанпарварлик тарбияси, халқимизнинг эзгу идеаллари ва олижаноб мақсадларига садоқат гоёлари шиор даражасидагина қолиб, миллий гоёнинг жаҳон тажрибасидан ўтган умуминсоний қонуниятлари ва Ўзбекистонга ҳос замонавий тамойилларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмлари жорий этилмаган»[1].

Шу ўринда «Миллий гоё нима?», «Унинг сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий ва маънавий моҳияти қанақа?» деган саволларга жавоб топиб олиш мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча, миллий гоё мустақиллик мафкурасининг туб мундарижаси, юртнинг буюк мақсадларига қорловчи, сафарбар этувчи маёқдир. Миллий гоё ихтиро этилмайди. Ҳар бир даврнинг, ҳар бир халқнинг ўз камолот гоёларига эга бўлиши – қонуният. Шу нуқтаи назардан, миллий гоё – миллат такомилли, қомиллик сари интилишининг маънавий ва ахлоқий асоси, бош мақсад тактик йўли ҳамда стратегиясидир.

Академик Э.Юсуповнинг фикрича, «Миллий гоё – этник илдизлари, тарихи, тили, маданияти, она юрти, эътиқоди, маънавияти, иқтисодий ҳаёти, қадриятлари, анъана ва урф-одатлари бир бўлган қондош, жондош кишиларни муайян мақсадлар ва манфаатлар йўлида бирлаштириб, фаолиятини муштараклаштириб, йўналтириб турувчи руҳий омидир»[2]. Олим мафкурани жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили бўлган инсон ва унинг онгли фаолиятини муайян бир мақсадга йўналтирадиган гоёларга аниқлик ва равшанлик киритадиган ҳамда оммани сафарбар ётадиган восита сифатида кўради.

Ижтимоий-фалсафий манбаларда «миллий гоё» тушунчасига турлича ёндашилган ва ҳар хил таъриф ва тавсифлар берилган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «миллий гоё» тушунчаси ҳақидаги фикри унинг мазмунини анча мукамал ёритиб берган: «Миллий гоё деганда, аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозланиб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиши ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўлаемиз»[3].

Биз тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, «миллий гоё» тушунчасига қуйидагича таъриф беришни таклиф қиламиз: *миллий гоё муайян бир миллат ўзининг тафаккурида ўтмиши, бугуни ва истиқболини мужассамлаштирган ҳолда жамият ва одамларнинг руҳиятига кучли таъсир ўтказиб, уни ҳаракатга қорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикрлар, қарашлар мажмуидир.*

Миллий гоё ва мафкура ижтимоий қадрият бўлиб, унинг методологик асослари ҳар бир тарихий давр ва тарихий шахс – етакчининг олий мақсади, олижаноб нияти, давлат ривожининг бош дастури ҳисобланади. Бинобарин, тарихий тараққиёт билан гоё ва мафкураларнинг уйғунлиги инсоният ривожланишининг муҳим шартидир. Айни пайтда, ҳар қандай гоё ва мафкура халқ, миллат манфаатлари асосидагина реал воқеликка айланиши мумкин. Миллий манфаатни ўзида ифода этган гоёгина яшовчан бўлади ва унинг моддий кучга айланиш имконияти мавжуд. Масалан, ҳозирда миллий мафкуранинг асосий гоёлари шаклланиб бўлган. Улар халқимиз тарихий тараққиёти давомида синовлардан ўтган. Миллий мафкурамизнинг таянч гоёлари сифатида қуйидагиларни

келтириш мумкин: ягона Ватан туйғуси; адолат - қонун устуворлиги; халқ розилиги; жаҳолатга қарши маърифат; инновацион тараққиёт.

Бугун мамлакатимизда миллий гоя ва мафқуранинг бутун бир яхлит тизими ишлаб чиқилди. У қанчалик улуғвор ва мўътабар бўлса, жамиятдан шунчалик онгли фидоийликни, теран ақлий-ҳиссий масъуллик ва баркамолликни, сиёсий, ҳуқуқий ва диний маданиятни талаб қилади.

Миллий тикланиш мафқураси – истиқлол учун янги онг ва жаҳоний тафаккур дунёқараши сифатида кириб келди. Миллий мафқура тактика бўлиб, тарихан сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, диний, эстетик ва фалсафий шаклларда намоён бўлади. Миллий мафқура – халқнинг ўзгаларга тобе бўлмай эркин ва озод яшаши, ўзини ўзи идора этишига қаратилган, унинг истиқболлини белгилайдиган орзу-умидлари, энг илгор фикрлари жамулжамидир. А.Ачилдиевнинг тадқиқотларида миллий мафқурага шундай таъриф берилади: «Миллий мафқура миллий ҳаётни уюштириш, миллатни бирлаштириш, унинг истиқболлини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, миллатнинг миллат сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишига хизмат қиладиган ва, демакки, ўзга миллат ва элатларни ўзига хос эҳтиёжларига ҳам ҳурмат руҳи билан сугорилган гоявий-назарий қарашлар тизимидир»[4].

Миллий гоя ва мафқура ўзида инсонпарварлик талабларини, халқнинг интилишларини акс эттирган тақдирда жамият аъзоларини бирлаштириб, унинг салоҳиятини тўла юзага чиқаришда бекиёс омил бўлади. Шу ўринда «Миллий гояни қулоқ билан эшитиш етарли эмас, уни қалб билан сезиш ва англаш керак», деган маъжозий фикрни эслаш ўринли. Инсон шундайки, улғайган сари тарихан шаклланган миллий маданият, турмуш тарзи, анъаналар ва урф-одатларга эътиқоди мустаҳкамланиб бораверади. Шу сабабли миллий гояни узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланиб, ривожланиб, муайян бирликнинг барқарорлиги ва яхлитлигини таъминлайдиган руҳий замин деб ҳам қарамоқ керак. Бу руҳий замин миллат вакиллариининг қалбида ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор туйғуси, тарихий хотира, миллий ўзликни англаш, бурч ва масъулиятни ҳис қилиш шаклида намоён бўлади. Миллий бирликни таъминловчи тил, ахлоқ, миллий руҳий ҳолат ҳам миллий гоянинг кучайишига таъсир этади. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм гояси бўлади. Мафқура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган»[5], деб таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, миллий гоя ва мафқура доимо ҳаракатда бўлмоғи, маълум маънода, янгиланиб турилмоғи, бошқа қадриятлар таъсирида мунтазам бойиб бормоғи ҳам лозим. Йўқса, унинг мутаассибликдан фарқи қолмайди. Жамият олдида турган вазифалар, шарт-шароит нақадар ўзгармасин, унинг асосий тамойиллари собит қолади – ўзгармайди. Бу жамиятнинг ўзига хослиги, мавжудлик шарти, тутиб турувчи учтунидир. Оммавий ахборотга асосланган ҳар қандай жамиятнинг ҳам мавжуд жамиятдан мерос қолган ўзгармас ақидалари бўлади ва у тараққиёт учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Демак, уни тарғибот-ташвиқ қилиш зиёлилар, олимлар зиммасига юкланади.

Ҳар қандай ҳолда, миллий гоя ва мафқура халқчиллашиб реаллашиши учун, албатта, у ҳаммага тушунарли бўлиши лозим. Бунинг учун, аввало, гоя ва мафқуранинг миллий тараққиёт концепциясига мос ривожланиш қонуниятлари илмий-фалсафий асосланиб, шундан келиб чиқувчи ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ мазмун ҳамма тушунадиган тарзда тизимли ёритилиши зарур.

Миллий гоя ва миллий мафқура мураккаб жараён бўлиб, асрлар давомида шаклланади. У догма эмас, даврлар ўтиши билан такомиллашиб боради. Бунинг учун мақсадга мувофиқ маънавий-марифий ва тарғибот ишларини олиб бориш зарур.

Бугунги кунда жамиятимиз олдида турган эзгу мақсадларни тўла рўёбга чиқариш учун халқимизнинг миллий тараққиёт мафқурасини чуқур ўрганиб, ўзлаштириш ва халқчиллаштириш, ундаги гояларга нисбатан мустаҳкам ишонч-эътиқодни шакллантириш тақозо этилади. Шунинг учун гоявий-мафқуравий соҳада эришилган ютуқларимизни мустаҳкамлаб, изчил равишда ривожлантириш ва бу борадаги вазифаларни жамият тараққиётнинг асосий тамойиллари, илмий асослари ҳамда амалий йўл-йўриқларига мувофиқ ҳал қилишда, миллий гоянинг давлатимиз ва жамиятимиз қурилишига оид юқорида баён қилинган масалалари атрофлича ёритилиши лозим. Ана шунда:

*биринчидан*, унинг юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилишига доир назарий-методологик мазмунни ойдинлашиб, фанлик мақоми ортади ва бу соҳадаги долзарб ҳаётий муаммо ҳамда вазифалар ижроси осонлашади;

*иккинчидан*, мафкуравий таълим ва тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали механизмларини: аниқ усул, воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш имкониятлари ошади. «Миллий гоёни қандай қилиб кишилар онги ва қалбига сингдириш керак?», деган саволга жавоб ойдинлашади;

*учинчидан*, миллий гоёнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлар билан боғлиқ мазмунини, уларнинг индивидуал ва ижтимоий, микро ва макро босқичларда ҳар бир макон ва замондаги ривожланиш характерини содда қилиб тавсифлаш мумкин бўлади. «Нега баъзан одамлар миллий гоёни билмайди, мафкурани тушунмайди» ёки “Беш, ўн, йигирма йилдан сўнг ҳаётимиз қандай бўлади?», «Биздан кейинги авлодлар қанақа шароитда яшайди?» каби муаммо-масалаларни илмий асосларда аниқ-равшан ёритиб, одамларда озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт ҳақида реал билим-тасаввурларни шакллантириш мумкин бўлади. Зеро, кишиларимизда буюк келажак тўғрисида тасаввурларни шакллантириш гоёвий-мафкуравий ишларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир;

*тўртинчидан*, миллий гоёнинг асосий хусусиятларидан келиб чиқувчи назарий ва амалий ишларнинг гоёвий-мафкуравий мазмуни конкретлашади. Яъни, ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳа, йўналиш ва босқичлари ривожланишига доир гоёвий-мафкуравий масалалар дифференциаллашиб, миллий гоёни илмий ўрганиш, ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилиш вазифалари конкретлашади. Масалан, келгусида ҳар бир соҳа тараққиёти қандай бўлишини ёки таълим ва тарбия йўналишларининг гоёвий мазмунини ўрнатилган тартибда аниқ ёритиш масалалари ҳал бўлади;

*бешинчидан*, миллий мафкура жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳ, тоифа ва қатламларга тушунарли бўлиб, одамларнинг унга қизиқишлари, ўрганиб, ўзлаштиришга интилишлари кучаяди. Шу тариқа у халқчиллашиб, асосида халқимизнинг олий мақсади – озод Ватан, фаровон ҳаёт барпо этишга бўлган ишонч ҳақидаги дунёқараш, маънавий муҳит, маданий-маърифий жараён, ижтимоий шарт-шароит юзага келади;

*олтинчидан*, миллатдошларимизда миллий гуруҳ ўйғониб, ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришларга эл-юрт, Ватан манфаатларидан келиб чиқувчи мустақил фикр, аниқ ҳаётий позиция, масъул ёндашув ва муносабатлар шаклланади.

Бугун илгари сурилатган ислохотлар ҳақида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев: «Мустақиллик туфайли биз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ёруғ келажакимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз. Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» дадил қадам қўймоқдамиз», – деб таъкидлайдилар»[6]. Дарҳақиқат, миллий гоё ва мафкура ҳамжиҳатлик ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берувчи қарашлар ва қадриятларга асосланади. Бу эса гоёни халқ ичига олиб кириш ёш авлодни миллий мафкура руҳида тарбиялаш маданий-маърифий ва сиёсий ташкилотлар, таълим муассасалари олдида турган муҳим вазифадир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатимиз ўз олдига қўйган улуг стратегик мақсаддан келиб чиққан ҳолда гоё ва мафкураларга нисбатан янгича муносабат шаклланди, яъни миллий мафкурамиз миллатимизнинг азалий анъаналарига, қадриятларига, халқимизнинг тафаккур тарзига асосланиши, шу билан бирга, умумбашарий ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига камраб олган ҳолда, юрт тинчлиги ва Ватан равнақи йўлида хизмат қилиши, турли хил фикр ва мулоҳазалар билан ўз мазмунини бойитиб бориши ҳамда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси даражасига кўтарилмаслиги лозимлиги эътироф этилди. Гоё ва мафкураларга бўлган бундай муносабат жамиятимизнинг барча соҳаларида ҳам ўз аксини топмоқда.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Mirziyoyev Sh. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi. To'ldirilgan ikkinchi nashri. – Toshkent: O'zbekiston nashriyoti, 2022. – 416.
2. Юсупов Э. Миллий гоё ва мафкура: мохияти, ижтимоий-тарихий илдизлари, ахамияти. - Шимкент. 2001. 37-б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч – Тошкент: Маънавият, 2008. 52-б.
4. Ачилдиев А.С. Миллий истиқлол гоёси – миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили. Автореферат, - Тошкент: 2004. 19-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши // Халқ сўзи, 2021 йил 20 январь.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // “Халқ сўзи”, 2018 йил 1 сентябрь.

#### РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада, бугунги кунда «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган дастурий гоя асосида инсонлар, айниқса ёшларнинг онги, қалби ва ички дунёсига миллий гояни сингдириш, уларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни янада шакллантириш долзарб вазифа эканлиги таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** миллий гоя, маънавият, методология, маданият, маърифат, комил, баркамол, ахлоқ, қадрият, мафкура, ватанпарвар, миллатпарвар, инновация, тарғибот, гуманизм, миллий ўзликни англаш, экстремизм, ақидапараст, демократия.

#### РЕЗЮМЕ:

В данной статье констатируется, что сегодня одной из важных задач является внедрения национальной идеи в умы, сердца и внутренний мир людей, особенно молодежи, воспитания их в духе преданности Родине, развития их инициативы, целеустремленности.

**Ключевые слова:** национальная идея, духовность, методология, культура, просвещение, совершенство, гармония, этика, ценности, идеология, патриотизм, национализм, новаторство, пропаганда, гуманизм, национальное самосознание, экстремизм, фанатизм, демократия.

#### RESUME:

This article states that today the task is to introduce the national idea into the minds, hearts and inner world of people, especially young people, to educate them in the spirit of devotion to the Motherland, to further develop their initiative, determination and moral qualities.

**Key words:** national idea, spirituality, methodology, culture, education, perfection, harmony, ethics, values, ideology, patriotism, nationalism, innovation, propaganda, humanism, national identity, extremism, fanaticism, democracy.